

Aziz Sh. TAJIEV,
Scientific Secretary of the
Imam Maturidi International
Scientific Research Center.
A.Kadiri str. 11, 100011,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: aziztoho_83@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/5

ИЛОҚ ДАВЛАТИ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF SOURCES ON THE HISTORY OF ILAQ STATE

АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ ПО ИСТОРИИ ГОСУДАРСТВА ИЛАК

КИРИШ

Хозирги кунда Оҳангарон тумани шимолда Юкори Чирчик, Паркент, Бўстонлиқ туманлари, шарқда Наманган вилояти, жанубда Тоҷикистон Республикаси, жануби-ғарбда Пискент тумани, ғарбда эса Ўрта Чирчик тумани билан чегарадош бўлиб, унинг умумий майдони 3,19 минг км.кв.ни ташкил этади.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликда ушбу худудда кон-металлургия саноатининг пайдо бўлиши натижасида Илоқ¹ (Оҳангарон) дарёси воҳасида суғорма дехқончилик маданияти шаклланиб, янги ерлар ўзлаштирилди, конларга яқин жойларда шаҳарлар барпо этилди. Бу эса, ўз навбатида, Оҳангарон воҳасида Ўзбекистон миллий давлатчилик тарихида алоҳида ўринга эга бўлган Илоқ давлатининг вужудга келишига замин яратди.

Оҳангарон воҳаси қадимдан Ўзбекистоннинг чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик, тоғ-металлургия саноати, шаҳарсозлик каби соҳалар юқсан тараққий этган муҳим иқтисодий марказларидан бири бўлиб келган. Худуднинг иқтисодий-маданий ривожида бир қатор табиий-

¹ Хозир “Оҳангарон” номи билан аталувчи дарё ўрта асрлар араб манбаларида “Илоқ” номи билан зикр қилинган. Хозирги вактда Оҳангарон дарёсининг узунлиги 236 км, хавzasининг умумий майдони 7710 км², ўртача йиллик сув сарфи эса 400 м³/секундни ташкил қилади. Дарё қор ҳамда ёмғир сувларидан тўйинувчи АраУон, Эртошой, Тошсой, Дукентсой, Корабогсой, Оқчасой, Ниёзбоши, Обжазсой, Гўшсой, Шовазсой каби қўплаб олинадиган қизилолма, Кўчбулок, Олтинтопган, феруза қазиб олинадиган Ўнгурилон, Оқтупрок, кумуш ва бошқа ноёб маъданлар қазиб олинадиган Кўхисим, Лашкарак, Конимансур каби конлар мавжуд бўлган. XI асрдан бошлаб худудда тоғ-кончилик ишлари сусайиб, мўғуллар истилоси даврида бутунлай барҳам топган. Кейинчалик Амир Темур ва темурийлар хукмронлиги даврига келиб, руда қазиб олиш ишлари кайта жонланган. Бугунги кунда Оҳангарон тумани, хусусан, Олмалиқ шаҳри рангли металларни қазиб олиш бўйича Республикада етакчи ўринда туради.

географик омиллар, хусусан, унинг Илоқ дарёси ҳавзаси бўйлаб қулай жойлашуви муҳим ўрин тутган.

Дарёнинг икки томонида жойлашган серуnum ва ҳосилдор адирлар чорвачилик ҳамда дехқончилик билан шуғулланиш учун зарур хисобланган барча шарт-шароитларга эга бўлган. Воҳани шарқ, жануб ҳамда шимол томондан табиий тўсиқ сифатида ўраб турган Тянь-Шань тоғининг Чотқол² ва Қурама тизмалари турли фойдали қазилма бойликлар, жумладан, олтин, кумуш, мис, кўрғошин, феруза ва қалай каби рангли металлар ҳамда бошқа қимматбаҳо маъданларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ҳақда ўрта асрлар мусулмон муаллифларининг асарларида қўплаб маълумотлар келтирилганини кўриш мумкин. Жумладан, машҳур қомусий аллома Абу Райхон Беруний (973–1048)нинг хабар беришича, заргарлардан бири: “Мен Илоқдан келтирилган ферузани кўрганман. Унинг оғирлиги икки юз дирҳамга³ тенг эди. Мен ўша вақтда уни эллик динорга⁴ баҳолаганман. Ҳозир унинг нархи икки юз динор туради, чунки Илоқ конлари⁵ харобага айланган”, деган (ал-Бируни, 2011).

Оҳангарон воҳасининг Буюк ипак йўлиниң тармоқлари устида, ўтрок ва кўчманчи халқларнинг ўзаро фаол муносабатлари туташган нуқтада жойлашганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, ушбу худудда нафақат савдо-сотик алоқаларининг кенгайиб, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига, балки турли халқлар анъаналари, қадриятлари, урғ-одатлари ҳамда рационалистик қарашларининг ўзаро коришувига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Натижада худудда чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик, шаҳарсозлик ҳамда бошқа саноат соҳаларининг ривожланиши учун замин яратилган.

² Ўрта асрлар мусулмон географлари ва сайёҳларининг асарларида “Чотқол” атамаси جوڭل (Жадғал) шаклида берилган.

³ Дирҳам – қадимий оғирлик ва танга пул ўлчов бирлиги, таҳминан 3 граммга тенг.

⁴ Динор – қадимги тилла танга, таҳминан 4,25 граммга тенг бўлган.

⁵ Қадимги Илоқда олтин қазиб олинадиган Қизилолма, Кўчбулок, Олтинтопган, феруза қазиб олинадиган Ўнгурилон, Оқтупрок, кумуш ва бошқа ноёб маъданлар қазиб олинадиган Кўхисим, Лашкарак, Конимансур каби конлар мавжуд бўлган. XI асрдан бошлаб худудда тоғ-кончилик ишлари сусайиб, мўғуллар истилоси даврида бутунлай барҳам топган. Кейинчалик Амир Темур ва темурийлар хукмронлиги даврига келиб, руда қазиб олиш ишлари кайта жонланган. Бугунги кунда Оҳангарон тумани, хусусан, Олмалиқ шаҳри рангли металларни қазиб олиш бўйича Республикада етакчи ўринда туради.

Аннотация. Оҳангарон воҳаси қадимдан дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиллик, савдо-сомиқ, тоз-кон саноати ва шаҳарсозлик каби соҳалар юксак тараққий этган ҳудуд сифатида юртимиз маддий-мадданий тарихи ҳамда иқтиносидий-мадданий ҳаёти ривожисида муҳим ўринга эга бўлиб келган. Ҳудуднинг қулай географик жойлашуви ҳамда табиий бойтиклари қадимдан инсонларнинг эътиборини жсалб этиб, уларнинг бу ерда ўтрок ҳаёт тарзини барпо этишиларига сабаб бўлган. Ҳусусан, эрамиздан аввалги II-I асрларда ушбу ҳудудда маддий маданиятнинг шаклланиси кузатилган. “Қовунчи маданияти” номини олган ушбу маданият ривожси Оҳангаронда милодий VI асрга қадар давом этган.

Илк ўрта асрларга келиб, Оҳангарон ҳудудида йўзбекистон тарихида муҳим ўринга эга бўлган миллий давлатчилик шаклларидан бири – Илоқ давлати вужудга келган. Ушбу қазилма бойликларни қазиб олини ҳамда уларга қайта шилов беришнинг кенгайини натижасида металургия, металга шилов бериш, заргарлик, шинисозлик, куолчилик каби соҳалар юксак тараққий этган. Илоқ Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари ўтасида йўлга кўйилган савдо-сомиқ алоқалари учун кўптик вазифасини бажарсан. Жумладан, Илоқ ҳудуди орқали Хитой ва Ҳиндистондан Европа мамлакатларига шойи матолар ҳамда бошқа маҳсулотлар олиб ўтилган.

Ушбу мақолада Оҳангарон ҳудудида мавжуд бўлган Илоқ давлати тарихига оид манбалар, жумладан, илк ёзма манбалар, Хитой солномалари, мусулмон муаллифларнинг асарлари, археологик қазишималарнинг натижалари ҳамда бошқа материаллар ўрганилиб, уларда Илоқ тарихининг ёритилишига оид масалалар таҳлил қилинган.

Калил сўзлар: Оҳангарон, Илоқ, Чоҳ, Мавароуннаҳр, мусулмон географлари, Хитой солномалари, Авесто, Бехустун, Нақши Рустам, Илоқ конлари, ёзма манбалар.

Abstract. Since ancient times, Ohangaron oasis has had an important place in the development of the material and cultural history and economic and cultural life of our country as an area with highly developed fields such as agriculture, animal husbandry, handicrafts, trade, mining industry, and urban development. The convenient geographical location and natural resources of the region attracted people's attention since ancient times and caused them to establish a sedentary lifestyle here. In particular, the formation of material culture was observed in this region in the II-I centuries BC. The development of this culture named "Kovunchi culture" continued in Ohangaron until the 6th century AD.

By the early Middle Ages, one of the forms of national statehood, which had an important place in the history of Uzbekistan, the state of Ilaq was established in the territory of Ohangaron. As a result of the expansion of mining and processing of these mineral resources, industries such as metallurgy, metalworking, jewelry, glassmaking, and pottery highly developed. Ilaq served as a bridge for trade relations established between East Asian and European countries. In particular, silk fabrics and other products were transported from China and India to European countries through the Ilaq region.

In this article, sources related to the history of the Ilaq state, including the first written sources, Chinese chronicles, works of Muslim authors, results of archaeological excavations, and other materials, which are available in the Ohangaron region, are studied. The issues of illumination of the history of Ilaq in them are analyzed.

Keywords: Ohangaron, Ilaq, Choch, Mawarannahr, Muslim geographers, Chinese chronicles, Avesta, Behustun, Naqshi Rustam, Ilaq mines, written sources.

Аннотация. Ахангаранский оазис с древних времен занимал важное место в развитии материально-культурной истории и хозяйственно-культурной жизни нашей страны как район с такими высокоразвитыми отраслями, как земледелие, животноводство, ремесла, торговля, горнодобывающая промышленность и градостроение. Удобное географическое положение и природные богатства края издревле привлекали внимание людей и заставляли их вести здесь оседлый образ жизни. В частности, формирование материальной культуры наблюдалось в этом регионе во II-I веках до н.э. Развитие этой культуры под названием “культура Ковунчи” продолжалось в Ахангаране до 6 века нашей эры.

К раннему средневековью на территории Ахангаранского оазиса была создана одна из форм национальной государственности, оставившая след истории Узбекистана, – государство Илак. В результате расширения добычи и переработки этих полезных ископаемых получили большое развитие такие отрасли промышленности, как металлургия, металлообработка, ювелирное дело, производство стекла, гончарное дело. Илак служил мостом для торговых отношений, установившихся между странами Восточной Азии и Европы. В частности, шелковые ткани и другие изделия перевозились из Китая и Индии в страны Европы через территорию Илака.

В данной статье изучаются источники, относящиеся к истории Илакского государства, в том числе первые письменные источники, китайские хроники, произведения мусульманских авторов, результаты археологических раскопок и другие материалы, имеющиеся в районе Ахангарана, и на их основе анализируются вопросы освещения истории Илака.

Ключевые слова: Ахангарон, Илак, Чоҳ, Мавераннаҳр, мусульманские географы, китайские хроники, Авеста, Бехастун, Накши Рустам, Илакские копи, письменные источники.

АСОСИЙ ҚИСМ

Муайян давлат ёки миллат тарихини ўрганишда археологик изланишларнинг натижалари, ёзма манбалар, тарихий архив хужжатлари, нумизматик, этнографик ҳамда бошқа материаллар муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Ўзбекистон тарихига оид илк ёзма маълумотларни зардуштийлик динининг қадим манбаси ҳисобланган Авесто китобида, Бехустун қоя тош ёзувларида, Персеполь яқинидаги Накши Рустам ёзувларида, антик юонон муаллифларидан Геродот, Арриан ва бошқаларнинг асарларида, Хитой тарихчиларининг солномаларида учратиш мумкин. Жумладан, русархеологи Б.И. Вайнберг (1932–2010)нинг таъкидлашича, Бехустун ёзувларида аҳамонийлар империясининг Марказий Осиё минтақасидаги вилоятлари қаторида Хоразм номи ҳам зикр қилинган (Б.Вайнберг, 1999). Бундан ташқари, археологик қазишмалар натижасида кўлга киритилган, маҳаллий ахолининг сўзлашув тили ҳисобланган хоразм, сўғд ва боҳтар тилларида битилган битиклар ҳамда араб ва форс тилларида ёзма манбаларда ҳам Марказий Осиё ҳалқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, худуддаги географик обьектлар ҳакида ҳамда бошқа қимматли маълумотлар келтирилган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, хитойлик муаллифларда Марказий Осиё ҳалқлари ҳакидаги илк тасаввурлар эрамиздан аввалги II асрда ушбу худудга элчи сифатида ташриф буюрган сайёҳ Чжан Цян⁶ тақдим этган маълумотлар асосида шаклланган. Натижада Хитой солномаларида минтақага оид маълумотлар мунтазам равишда ёритиб борила бошлаган. Ушбу анъана II аср охири – I аср бошларида шаклланган. Вақт ўтиши билан турли муаллифлар томонидан ушбу маълумотлар янгиланиб борган. Хитойда ҳукм сурган империялар билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида мунтазам савдо-сотик ҳамда маданий алоқаларнинг йўлга кўйилгани, хитойлик элчиларнинг турли максадларда ушбу худудга тез-тез келиб турганлари сабабли Хитойда бу каби маълумотларга алоҳида эҳтиёж бўлган.

Ушбу солномалар ҳакида сўз борганида, биринчи навбатда, улар орасида энг қадимий-

⁶ Чжан Цян – хитойлик саёҳатчи ва дипломат, эрамиздан олдинги 114 йилда вафот этган. Унинг Марказий Осиё ҳалқлари ҳакида келтириган маълумотларидан хитойлик бошқа бир тарихчи Сима Цян ўзининг “Ши цзи” (Тарихий битиклар) асарининг “Даван ҳакидаги хабарлар” номли бобини шакллантиришда кенг фойдаланган.

ларидан бири ҳисобланган Сима Цянънинг⁷ “Ши цзи” (Тарихий битиклар) китобини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Мазкур манба Хитой солномачилик анъаналарига мувофиқ муайян сулоланинг тарихига бағишилаб ёзилган бўлиб, ундан қадимги даврдан то эрамиздан аввалги 98 йилга қадар содир бўлган сиёсий-ижтимоий, маданий-иқтисодий жараёнларга оид маълумотлар ўрин олган (Цянъ, 2010). Ушбу асар ўз жанрида ёзилган дебоча сифатида кейинчалик кўплаб шу каби китобларнинг яратилиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Марказий Осиё ҳалқларининг қадим тарихига оид маълумотларни ўзида акс эттирган яна бир солнома хитойлик тарихчи Бань Гу ёзган “Цянъ Хань шу” (Илк Хань сулоласи тарихи) асари ҳисобланади. Манба эрамиздан аввалги 90 йилларда яратилган бўлиб, унда эрамиздан аввалги 202 йилдан то милодий бошига қадар бўлган тарихий даврга оид жараёнлар ҳакида сўз юритилган. Асар илк Хань сулоласи тарихига бағишиланган.

Хитойлик тарихчи Фань Йэ⁸ қаламига мансуб бўлган “Хоу Хань шу” (Кейинги Хань сулоласи тарихи) номли китобда 25–265 йиллар оралиғида содир бўлган тарихий воқеа-ходисалар атрофлича ёритилган.

“Цзинъ шу” (Цзинъ сулоласи тарихи) деб номланган солнома эса, тарихчи Тхай-Цзунь томонидан ёзилган бўлиб, унда 265–420 йилларга доир тарихий маълумотлар ҳакида сўз юритилган.

Шу билан бир қаторда, “Вэй шу” (Вэй сулоласи тарихи) номли солномада 386–581 йиллар, тарихчи Вэй Чжен⁹нинг “Суй шу” (Суй сулоласи тарихи) асарида 581–618 йиллар воқеалари ҳакида баён қилинган. Тарихчилар Эу Ян Хюнинг “Тхан шу” (Тхан сулоласи тарихи), Шень Ионинг “Сун шу” (Сун сулоласи тарихи), Сяо Цзи Хяннинг “Ци шу” (Ци сулоласи тарихи), Яо Си Ляннинг “Чень шу” (Чень сулоласи тарихи) каби асарларда ҳам Хитойда турли даврларда ҳукмронлик қилган маҳаллий сулолалар билан бир қаторда Марказий Осиё ҳалқларининг қадим тарихи, хусусан, бу ерда мавжуд бўлган илк давлатчилик шакллари

⁷ Сима Цянъ (мил. авв. 145–86) хитойлик Хань сулоласи тарихчиси, адаб ва фалакшунос сифатида машҳур бўлган. Унинг “Ши цзи” номли асари Хитойнинг қадим ўтмишидан муаллиф яшаган даврга қадар бўлган тарихи тавсифига бағишиланган.

⁸ Фань Е (398–445) – Шаркий Цзинъ империясида яшаб ижод қилган хитойлик тарихчи.

⁹ Вэй Чжен (580–643) – “Кўзгу инсон” деган номга сазовор бўлган Тан сулоласи тарихчиси.

ҳамда жой номларига оид муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида номлари санаб ўтилган манбаларнинг деярли барчасида Хитойнинг ғарбий чегарасида жойлашган давлат ва ҳалқларга оид маълумотлар учун алоҳида маҳсус боб ажратиш анъанаси мавжуд бўлган. Ушбу бобда Марказий Осиё минтақасидаги илк давлатчилик шакллари, этник бирликлар, шаҳарлар, дарёлар, тоғ тизмалари, карвон йўллари ҳамда бошқа географик объектлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бу эса, ушбу асарларнинг муаллифлари Марказий Осиё ҳалқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, хўжалик юритиш тизимлари, маҳаллий давлатлар ҳамда уларнинг ҳукмдорлари (афшин, худот, ихшид, дехқон ва бошқалар) ва ички йўллар ҳақида чукур маълумотга эга бўлганларини кўрсатади.

Шунингдек, Б.Вайнберг берган маълумотга кўра, Марказий Осиё ҳудудидаги географик объектларга оид маълумотлар Ханъ сулоласи ҳукмронлиги давридан то Танъ сулоласи ҳокимят тепасига келгунига қадар бўлган давр ичida яратилган “Ғарбий ўлкалар” (Марказий Осиё)нинг географик хариталарида ҳам учрайди (Б.Вайнберг, 1999).

Тарихдан маълумки, Чоч ва Илок давлатларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-иктисодий ҳаёти узвий боғлиқ ҳолда кечган, айrim манбаларда Илок Чоч давлатининг бир вилояти сифатида ҳам зикр қилинган (Ҳамавий, 1997). Шунингдек, мусулмон олими Абулқосим Мұхаммад ибн Ҳавқал (ваф. 977) ўзининг “Китоб сурат ал-арз” (Ер сурати ҳақида гитоб) номли асарида келтиришича, Чоч ва Илок ўртасида ҳеч қандай чегара мавжуд бўлмаган, уларнинг боғлари ва иморатлари ўзаро туташиб кетган, улар бир-бирига қўшилиб кетган ўлкалар хисобланади (Насибий, 1939).

Шу нуқтаи назардан, хитойлик муаллифларнинг солнномаларида келган Чоч давлатига оид маълумотлар Илок тарихини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга экани маълум бўлади. Шу сабабли бу борада амалга оширилаётган тадқиқотларда Хитой солнномаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Минтақа тарихига оид илк ёзма манбаларда бевосита Оҳангарон воҳаси ўтмишига оид маълумотлар деярли учрамаса-да, бироқ унга қўшини бўлган Чоч давлати ҳақида айrim маълумотлар келтирилганини кўриш мумкин. Жумладан, Хитой солнномаларида пойтахти Ши ёки Чжеши (Чоч) шахри бўлган айни ном билан

atalgan V асрга мансуб давлат ҳақида маълумотлар берилган (Б.Рыбакова, 1999).

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда мавжуд бўлган қадими давлатларнинг тарихини ўрганишда Хитой солнномаларида тўлақонли асосланиш мақсадга мувофиқ эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунончи, ушбу солнномаларнинг турли даврларда ёзилгани, Марказий Осиё минтақасида маҳаллий ҳукмдор сулолаларнинг тез-тез алмашиб тургани каби бир қатор омилларни эътиборга олиб, ушбу манбалардан танқидий ёндашган ҳолда фойдаланиш лозим. Бошқа томондан, Хитой солнномаларида зикр қилинган давлат, этник бирлик ёки географик жой номлари аслига тўғри келмаслиги эҳтимоли ҳам мавжуд. Шу сабабли бу борада олиб борилаётган тадқиқотларда Хитой солнномаларида танқидий ёндашиш, чукур таҳлил қилиш ҳамда бошқа ёзма манба ва материаллар билан қиёсий солишириш талааб этилади.

Марказий Осиё минтақаси қадим тарихига оид муҳим маълумотлар антик юон тарихчиларининг асарларида ҳам келтирилган. Жумладан, милоддан аввалги 484—425 йиллар оралиғида яшаб ижод қилган юон тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, милоддан аввалги VI асрда яшаган Гекатей (мил. авв. 550—490)нинг “Ер куррасининг тасвири”, эрамиздан аввалги I асрда яшаган Квинт Курций Руфинг “Македониялик Александр тарихи”, Страбон (мил. авв. 64 — милодий 24)нинг “География” номли асарларида минтақа тарихига оид маълумотлар учрайди.

МУҲОКАМА

Оҳангарон воҳаси, хусусан, қадимда ушбу худудда мавжуд бўлган Илок давлати тарихига оид батафсил маълумотлар ўрта асрлар мусулмон тарихчилари ҳамда географларининг асарларида келтирилган. Ушбу асарларни шартли равища икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга тарихий воқеа-ходисаларни ёритишга бағишиланган манбалар киради. Абу Бақр Балозурӣ (ваф. 892) нинг “Футух ал-булдон” (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши ҳақида гитоб), Абу Ҳанифа Диноварий (такс. 815—895)нинг “Китоб ал-ахбор ат-тивол” (Узун хабарлар ҳақида гитоб), Абу Аббос Аҳмад ибн Яъкубий (ваф. 897/905)нинг “ат-Тарих” (Тарих), Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир Табарий (839—923) нинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (Пайғамбарлар ва подшолар тарихи), Ибн Аъсам Куфий (ваф. 926)

нинг “Китоб ал-футух” (Фатхлар ҳақидаги китоб), Абул Ҳасан Али ибн Ҳусан Масъудий (896–956) нинг “Муруж аз-заҳаб” (Олтин яйловлар), Мұхаммад ибн Тоҳир Муқаддасий (1056–1113)нинг “Китоб ал-бадва ва-т-тарих” (Бошланиш ва тарих китоби) ва Ибн Асир номи билан машхур бўлган тарихчи Иззуддин Абул Ҳасан Али ибн Мұхаммад Жазирий (1160–1233/1234)нинг “ал-Комил фи-т-тарих” (Тарих ҳақида мукаммал китоб) асарлари шулар жумласидандир.

Иккинчи гурухга эса, савдо йўллари ҳамда ушбу йўлларнинг устида жойлашган шаҳарларнинг географик-тарихий тавсифига бағишлиланган асарлар киради. Улар жумласига Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий (783–850)нинг “Китоб сурат ал-арз” (Ернинг сурати китоби), Абул Аббос Аҳмад ибн Исҳоқ Яъқубий (ваф. 897)нинг “Китоб ал-булдон” (Мамлакатлар ҳақидаги китоб), Абу Али Аҳмад ибн Умар ибн Русто (ваф. 912)нинг “Китоб ал-аълоқ ан-нафиса” (Нафис қимматбаҳо нарсалар ҳақидаги китоб), Абу Қосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех (тах. 820–912/913)нинг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (Йўллар ва мамлакатлар ҳақидаги китоб), Абу Исҳоқ Ибрөхим ибн Мұхаммад Истаҳрий (тах. 850–934)нинг “Китоб масолик ал-мамолик” (Мамлакатларнинг йўллари), Кудома ибн Жаъфар (тах. 873–948)нинг “Китоб ал-хараж вас-саноат ал-китоба” (Хараж ва китобат санъати ҳақидаги китоб), Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн Масъудий (тах. 896–956)нинг “Китоб ат-танбех вал-ашроф” (Кўрсатмалар ва кузатувлар китоби), Абул Қосим Мұхаммад ибн Ҳавқал (ваф. 977)нинг “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” (Йўллар ва мамлакатлар ҳақидаги китоб), Шамсуддин Мұхаммад ибн Аҳмад Мақдисий (946/947–1000) нинг “Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (Иклиmlарни билишда энг гўзал тақсимлар), Абу Райхон Беруний (973–1048)нинг “ал-Қонун ал-Масъудий” (Масъуд конуни) ҳамда номаълум муаллифнинг “Худуд ал-олам” (Олам чегаралари) каби китобларини киритиш мумкин.

Ушбу асарлар Фарб шарқшунослари томонидан тадқиқ қилиниб, “Араб географияси библиотекаси” (Bibliotheca Geographorum Arabicorum) деган умумий ном остида нашр қилинган.

Оҳангарон воҳаси худудида мавжуд бўлган Илоқ давлати тарихига оид энг батафсил маълумотлар мусулмон олимлари томонидан IX–XII асрларда ёзилган асарларда учрашини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳусусан, Оҳангарон тарихини ўрганган тадқиқотчилардан бири, археолог

М.Массон (1897–1986)нинг таъбири билан айтганда, Илоқ тарихи XIX асрга қадар ёзилган асарларда бу қадар батафсил ёритилмаган (М.Массон, 1953). Шу сабабли ушбу манбалар орасидан энг мухим саналганлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” асари келиб чиқиши форсийлардан бўлган Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Хурдодбех томонидан 846–847 йиллар оралиғида ёзилган, 885–886 йилларда эса, тўлдирилиб, қайта ишланган. Муаллиф ўз фаолиятини Жабал вилояти (Эроннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган тарихий вилоят) почта хизмати бошлиғи лавозимида бошлаган. У почта хизмати ишини енгиллатиш мақсадида вилоятдаги географик объектларга оид маълумотларни тўплай бошлаган. Бу эса номи юқорида зикр қилинган асарнинг яратилишига асос бўлган.

Ибн Хурдодбех мусулмон географик жанрига асос соглан илк олимлардан бири ҳисобланади (И.Крачковский, 1957). Ушбу жанрда ёзилган китоблар асосан турли мамлакатларнинг карvon йўллари, турли аҳоли масканларининг географик тавсифига бағишлиланган бўлади. Ибн Хурдодбехнинг ушбу асари бизгача етиб келган бу каби манбаларнинг илк намуналаридан биридир. Унда Араб халифалиги таркибидаги ҳамда бошқа худудларнинг тарихий географияси ва топонимикасига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Илоқ давлати шаҳарлари, уларни ўзаро боғлайдиган карvon йўллари ҳам тавсифланган. Масалан, Чоч ва Илоқ конларини ўзаро боғлайдиган йўлнинг узунлиги етти фарсахга teng экани қайд қилинган (Хордодбех, 1986). Шу билан бир қаторда, Чоч (Сирдарё), Парак (Чирчик), Илоқ (Оҳангарон) дарёлари ҳамда Банокет, Уштуркет, Банункет, Тункет, Нукет ва бошқа шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Оҳангарон воҳаси тарихига оид маълумотлар келтирилган яна бир манба – “Китоб масолик ал-мамолик” асари тарихчи олим Абу Исҳоқ Ибрөхим ибн Мұхаммад Форсий Истаҳрий томонидан ёзилган. У Ўрта Осиё ва Эрон бўйлаб амалга оширган бир нечта саёҳатлари давомида тўплаган маълумотлари асосида таҳминан 930 йилда ушбу китобни ёзган. Ушбу манба компилятив асар бўлиб, тарихчи Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Балхий (850–934) қаламига мансуб бўлган “Сувар ал-ақолим” (Иклиmlарнинг суратлари) номли китобнинг Истаҳрий томонидан қайта ишланган ҳамда

тўлдирилган шакли ҳисобланади. Манба дастлаб араб тилида ёзилган, сўнгра форс тилига таржима қилинган. Ушбу асар кейинчалик араб ва форс тилларидаги кўплаб географик-тарихий жанрдаги китобларнинг яратилишига асос бўлган.

Муаллиф ўз асарида Мовароуннаҳр худудидаги географик объектларни тавсифлаб, Чоч ва Илоқ шаҳарлари ҳамда улар ўртасидаги масофа ҳақида маълумотлар келтирган (Истаҳрий, 1927). Унинг келтиришича, Мовароуннаҳрнинг тоғли худудларида, хусусан, Чоч ва Илоқ вилоятларида йирик олтин ва кумуш конлари мавжуд бўлган. Ушбу конлардан мис, темир, қўроғшин ҳамда бошқа кўплаб маъданлар қазиб олинган. Умуман, ушбу манбада Чоч ва Илоқ вилоятларига оид 22 сатрдан иборат маълумот берилган. Жумладан, уларда жойлашган шаҳарларнинг номлари, улар орасидаги масофа ҳамда уларни ўзаро боғлаб турдиган йўлларнинг йўналишлари кўрсатилган.

“Китоб сурат ал-арз” асари Насиб шахри (Яқин Шарқ худудида жойлашган шаҳар)да яшаб ўтган олим Абулқосим Муҳаммад ибн Ҳавқал Насибиий томонидан ёзилган. У савдогар, саёҳатчи ҳамда элчи сифатида умрининг катта қисмини турли мамлакатларга сафарлар қилишга бағищлаган. Жумладан, Яқин Шарқ, Ўрга Шарқ ва бошқа минтақаларга қилган саёҳатлари натижасида ушбу худудлarda яшаган ўғуз, қарлук, қирғиз, тўққиз ўғуз каби этнослар, умуман, ушбу худудларнинг ўтмишига оид қимматли тарихий-географик ҳамда этнографик маълумотларни келтирган. Шу билан бир қаторда, Буюк ипак йўлиниң Мовароуннаҳрдан ўтган тармоқлари, ички йўллар, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Сирдарё ҳавзасида жойлашган шаҳарлар тавсифи ҳам берилган. Манба 1870 йил таниқли голланд шарқшуноси Михаэл Ян де Гуе (1836–1909) томонидан “Араб географлари кутубхонаси” туркуми доирасида нашр қилинган.

Ибн Ҳавқал ўз асарида Чоч ва Илоқдаги шаҳарлар ҳақида маълумот берар экан, ўз ҳайратини яшириб ўтирумайди. Ушбу шаҳарлар, уларнинг географик жойлашуви, улар орасидаги масофа ҳамда карвон йўллари ҳақида қизиқарли маълумотларни тақдим этади (Насибиий, 1939).

Оҳангарон тарихига оид маълумотлар X асрда номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Худуд ал-олам” асарида ҳам учрайди (М.Исхоков, 2007). Асарнинг тўлиқ номи “Худуд ал-олам минал-машриқ ила ал-мағриб” (Оламнинг Шарқдан Фарғача бўлган чегаралари) бўлиб, тахминан

982–83 йилларда Ғузганон (Афғонистон шимолида жойлашган вилоят) амири Абулҳорис Муҳаммад ибн Аҳмадга бағищлаб форс тилида ёзилган (М.Исхоков, 2007).

Асарнинг дастлабки олтита бобида тоғлар, дарёлар, кўллар ҳамда мамлакатларга оид географик маълумотлар берилган. Кейинги бобларда эса Хитой ва Ҳиндистон худудларидан то Африка қитъасига қадар бўлган минтақаларда жойлашган 52 та вилоятнинг тавсифи келтирилган. Жумладан, Илоқ ҳақида ҳам маълумот берилиб, унинг шаҳар ва рустолари кўп бўлган обод жой экани, тоғларидан кумуш ва олтин қазиб олиниши зикр қилинган (М.Исхоков, 2007).

Муаллиф ҳаёти давомида саёҳат қилмагани сабабли ушбу асарини ўзидан аввал ўтган сайёхларнинг асарларида келган маълумотлар асосида ёзган. У асарнинг бир нечта жойида ўзи тузган географик харита ҳақида сўз юритгани сабабли, айрим тадқиқчилар унинг ўрта асрларда яратилган харитага шарҳ сифатида ёзилганини таъкидлаганлар.

Юкорида зикр қилинган асарлар билан бир қаторда, Чоч ва Илоқ тарихига оид маълумотларни машхур тарихчи олим Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий (839–923)нинг “Тарих ал-умам вал-мулук” (Халқлар ва подшолар тарихи) асарида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Мовароуннаҳр худудида VII–VIII асрларда содир бўлган тарихий воқеаларга тўхталар экан, муаллиф Мовароуннаҳр вилоятлари қатори Чоч ва Илоқ тарихи ҳақида ҳам хабар берган (Табарий, 1997).

Шунингдек, рус тарихчиси, академик В.Бартольд асарларида, хусусан, унинг “Туркистон мўғул босқинчилиги даврида” номли китобида ҳам Чоч ва Илоқ тарихига оид қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, ушбу асарда Илоқ давлати шаҳарлари тарихий географияси ҳақидаги муҳим маълумотлар учрайди (В.Бартольд, 1963).

Фарблик тадқиқчилардан XX асрда яшаб ижод килган голланд шарқшуноси Ле Стренжнинг “The Lands of the Eastern Caliphate” (Шарқий халифалик худудлари) номли асарида Илоқ шаҳарларининг тарихий географияси атрофлича ёритилган (Strange, 1967). Ушбу манба ўрта асрлар мусулмон муаллифлари томонидан яратилган тарихий-географик китоблар услубида ёзилган бўлиб, нафакат Илоқ, балки бутун Мовароуннаҳр вилоятларининг шаҳарлари ҳамда ички савдо йўллари ҳақида қимматли маълумотларни берishi билан муҳим ҳисобланади.

XX асрга келиб эса, Оҳангарон ҳудуди тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошлианди. Хусусан, археологик қазишмалар ҳамда ёзма манбалар асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида “Археологические памятники Ташкентской области” (Тошкент вилоятининг археологик ёдгорликлари), “Ахангераң” (Оҳангарон), “Древности Ташкента” (Тошкентнинг ўтмиши), “Древняя и средневековая культура Чача” (Қадимги давр ҳамда ўрта асрларда Чоч маданияти), “Историческая топография Ташкентского оазиса” (Тошкент воҳасининг тарихий топографияси), “По древним караванным путям Ташкентского оазиса” (Тошкент воҳасининг кўхна карvon йўллари бўйлаб) каби бир қатор тадқиқотлар яратилди.

Мустакиллик даврида ҳам Чоч ва Илоқ давлатлари тарихини ўрганиш изчил шаклда давом эттирилди. Натижада Чоч ва Илоқ давлатлари тарихини ўрганиш юзасидан “Чоч тарихидан лавҳалар”, “Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси” каби муҳим тадқиқотлар амалга оширилди.

Археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилган материаллар Оҳангарон тарихига оид манбаларнинг муҳим қисмини ташкил қиласди. Таъкидлаш лозимки, ҳудудда археологик тадқиқотлар XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб амалга оширила бошланган. Жумладан, 1895 йил ташкил қилинган Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги томонидан Чоч ва Илоқ давлатларининг ўрта асрларга оид бир қатор тарихий ёдгорликлари ўрнида қидирув ишлари олиб борилди. Тўғарак аъзолари Илоқ пойтахти Тункет шахри ҳамда Қанқа, Оқтепа, Хонобод, Оҳангарон ва бошқа ҳудудларда археологик топилмалар, жумладан, оссуарлар, сопол ва металдан ясалган рўзгор буюмларини аникладилар.

XX асрнинг 20-йилларига келиб эса, Оҳангарон ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар янги босқичга кўтарилиди. Хусусан, А.Потапов, М.Воеводский, М.Грязнов, М.Массон каби тадқиқотчилар томонидан Оҳангарон ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликлар тизимлаштириб чиқилди. 1925 йил А.Семенов томонидан тузилган Ўрта Осиё ҳудудидаги археологик ёдгорликларнинг ягона харитасига эса, Оҳангаронга оид маълумотлар киритилмаган. 1928 йил М.Массон раҳбарлигига Нурафшон (Тўйтепа) шахри атрофида олиб борилган археологик изланишлар натижасида Тўйтепа ҳаробалари ўрта асрларда Илоқ давлатининг Нукет шахри ўрни бўлгани аникланди. 1929 йил

“М.Массоннинг изланишлар” самараси ўлароқ, Илоқ пойтахти Тункет шахрининг ўрни аникланди. 1929–30 йилларда М.Воеводский ҳамда А.Потаповлар Пискент шахри яқинида, шунингдек, Д.Граменицкий, И.Краузе, С.Пиримқуловлар ҳам Оҳангарон ҳудудида археологик тадқиқотлар олиб бордилар.

Оҳангарон ҳудудида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида ўрта асрлар моддий маданияти тарихига мансуб бўлган 742 та ёдгорлик, жумладан, 531 та аҳоли маскани, 90 та турли кўринишдаги қадимий қабр, тоғ-кон саноати ҳамда металлургия ва хунармандчилик маркази аникланди. Натижада Оҳангарон ҳудудининг эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдан милодий XIII асригача бўлган тарихий даврига оид сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий хаёти, аҳоли турмуш тарзи ҳамда этник таркиби, хунармандчилик соҳалари ҳақида маълумотлар кўлга киритилди.

Оҳангарон ҳудуди, хусусан, бу ерда ўрта асрларда мавжуд бўлган Илоқ давлати тарихини ўрганишда нумизматик материаллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай материаллар, айниқса, муайян ҳудудда хукмронлик қилган сулолаларнинг тарихи ҳақида қимматли маълумотларни бериши билан ажralиб туради. Бу эса ёзма манбаларда хукмдорлари ҳақида маълумотлар кам учрайдиган Илоқ давлати тарихини ўрганиш учун қўл келади.

Тангалар нафакат муайян давлатнинг пул хўжалиги ҳамда иқтисодиёти, балки сулола ва хукмдорларнинг алмасиши, асосий эътиқод шакллари, тил ва ёзувига оид кўплаб маълумотларни беради. Комплекс тадқиқотларда тангалар ёзма манбалардаги маълумотлар ҳамда археологик тадқиқотларнинг натижалари билан умумлаштирилган ҳолда тарихни ёритишда кенг фойдаланилади.

Нумизматик материалларни ўрганиш хуласаларига кўра ўрта асрларда Оҳангарон ҳудудида Мовароуннахрдаги энг йирик зарбхоналардан бири фаолият олиб борган. Бугунги кунда ушбу зарбхонада зарб қилинган тангалар Шарқий Европа ҳудудларидан ҳам топилмоқда. Бу эса ушбу ҳудудда зарб қилинган тангалар нафакат Араб халифалиги тасарруфидаги ўлкалар, балки ундан ташқарида ҳам юксак иқтисодий-молиявий аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Умуман, Илоқ зарбхонасида Мовароуннахрда зарб қилинадиган тангаларнинг қарийб 12 фоизи ишлаб чиқарилгани маълум.

НАТИЖА

Илоқ давлатининг ҳар томонлама ривожланишида унинг Буюк ипак йўли тармоқлари бўйида, ўтроқ ҳамда кўчманчи халқларнинг ўзаро фаол муносабатлари туташган нуктада жойлашгани ҳам алоҳида ўрин тутган. Хусусан, кўчманчи халқлар билан олиб борилган савдосотик алоқалари Илоқнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига сабаб бўлган. Кўчманчи халқлар ўтрок аҳолига турли чорвачилик маҳсулотларини етказиб берган ҳамда ўз навбатида дехқончилик, курол-яроғ, кийим-кечак каби ўтрок аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган хунармандчилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси бўлган.

Натижада Илоқ давлатида иқтисодий ҳамда маданий ҳаётнинг юксалиши, шаҳарсозлик маданиятининг шаклланишига замин яратилган VII асрдан бошлаб Илоқ худудида ўнлаб катта ва кичик шаҳарлар пайдо бўла бошлаган. Вакт ўтиши билан шаҳарлар сони ҳам ортиб борган. X асрда яшаб ижод қилган мусулмон географлари асарларида Илоқ ҳамда унга кўшини бўлган Чоч худудида жойлашган 50 дан зиёд шаҳар номи зикр қилинган. Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг бошқа ҳеч қайси ўлкасида шаҳарлар сони бу кадар кўп бўлмаган. Таққослаш учун, худуди Чочдан деярли икки баробар катта бўлган Фарғонада 39 та, Исфижобда 20 та, Усрушанада 12 та шаҳар мавжуд бўлган (Ю.Ф.Буряков, 1975). Илоқда шаҳарлар сонининг ортиб бориши бу ерда тоғ-кон саноати ҳамда у билан боғлиқ бўлган хунармандчилик соҳаларининг ривожи билан боғлиқ ҳолда кечган.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида тавсифланган Илоқ давлати тарихига оид ёзма манбалар ҳамда бошқа материаллар унинг ўрта асрлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётини ўрганишга қаратилган комплекс тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда моддий маданият тарихининг ўрта асрларга мансуб ёдгорликларига оид батафсил картографиясини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик тарихини илмий асосда чуқур ўрганиш, миллий қадриятлар ҳамда урф-одатларни асрлаб авайлаш, Ўзбекистон худудидан етишиб чиқсан буюк мутафаккир алломаларнинг бой илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш ҳамда кенг

тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ҳамда Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида ўз ўrniga эга бўлган Илоқ давлати, яъни бугунги кунда ҳам мамлакат иқтисодиётининг муҳим марказларидан бири бўлиб келаётган Оҳангарон худуди ўтмишини ўрганиш, эришилган тадқиқот натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш долзарб вазифа ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган омилларга қарамасдан, Оҳангарон тарихий-археологик жиҳатдан кам ўрганилган худудлардан бири саналади. Бунинг сабаблари сифатида унинг тарихига оид ёзма манбаларнинг камлиги, маълумотларнинг етарли эмаслиги каби бир катор омилларни келтириш мумкин.

Оҳангарон худудида археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган кўплаб маданий мерос объектлари, жумладан, тош аспи одамларининг манзилгоҳлари, бронза даврига оид масканларнинг қолдиқлари, коятошларга битилган тасвиirlар, шаҳарлар ҳамда кўргонларнинг харобалари ушбу худудда жуда қадим даврлардан бўён одамлар яшаб келаётганини кўрсатади. Ўрта асрларга келиб эса, Илоқ олтин ва кумуш конлари ҳамда шаҳарлари сони бўйича Мовароуннаҳрнинг энг илфор ўлкаларидан бирига айланган. Бунинг эътирофини ўрта асрларда яшаб ижод қилган мусулмон географлари ҳамда тарихчиларининг асарларида ҳам кўриш мумкин. Илоқ тарихини ўрганиш Ҳозирги вақтда ўз аҳамиятини ва долзарблигини йўқотгани йўқ, ушбу вазифани амалга ошириш орқали Ўзбекистон тарихини комплекс ёритиш имкони юзага келади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. G.L.Strange. (1967). *The Lands of the Eastern Caliphate/Mesopotamia, Persia, and Central Asia from the Moslem Conquest to the Time of Timur*. New York: Barnes and Noble.
2. Ал-Бируни. (2011). *Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия)*. Санкт-Петербург: Петербургское лингвистическое общество.
3. Б.А.Рыбакова, Р.(1999). *Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Средняя Азия в раннем средневековье*. Москва: Наука.
4. Б.И.Вайнберг. (1999). *Этнogeография Турана в древности*. Москва: Восточная литература.
5. В.В.Бартольд. (1963). *Сочинения / Туркестан в эпоху Монгольского нашествия*. Москва: Восточная литература.

6. Ф.Бобоёров. (2010). *Чоч тарихидан лавҳалар*. Тошкент: Yangi nashr.
7. Г.В.Шишкин, Р. (1979). *Древняя и средневековая культура Чача*. Ташкент: Фан.
8. И.Ю.Крачковский. (1957). *Избранные сочинения* (Т. 4). Москва: Издательство академии наук СССР.
9. А.И.Истахрий, (1927). *Китоб масолик ал-мамолик*. Лейден: Бриль.
10. М.Е.Массон. (1953). *Ахангераң*. Ташкент: Издательство академии наук УзССР.
11. М.Исхоков. (2007). *Худуд ал-олам*. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. .
12. Н.Муҳамедов. (2007). *Шоши воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси*. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
13. А.Насибий. (1939). *Китоб сурат ал-арз*. Лейден: Бриль.
14. А.Ж.Табарий. (1997). *Тарих ал-умам ва-л-мулук*. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
15. Хордодбех, И. (1986). *Книга путей и стран*. Баку: Элм.
16. Ш.А.Хамавий. (1997). *Мўъжзам ал-булдон*. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
17. С.Цянь. (2010). *Исторические записи (Ши қзи)*. Москва: Восточная литература.
18. Ю.Ф.Буряков. (1975). *Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса*. Ташкент: “Фан” нашриёти.
19. Ю.Ф.Буряков. (1978). *По древним караванным путям Ташкентского оазиса*. Ташкент: “Фан” нашриёти.
20. Ю.Ф.Буряков, М.Р.Касымов, О.М.Ростовцев. (1973). *Археологические памятники Ташкентской области*. Ташкент: “Фан” нашриёти.
21. Я.Г.Гулямов. (1976). *Древности Ташкента*. Ташкент: “Фан” нашриёти.

